

Афғонистон Бош вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Абдул Салом Ҳанафий бошчилигидаги делегация Самарқандга ташриф буюрди



16:34 / 02.12.2024 628

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Бош вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Абдул Салом Ҳанафий бошчилигидаги делегация 2 декабрь куни Самарқандга ташриф буюрди.

Абдул Салом Ҳанафий дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Меҳмонларга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айна пайтда бу ерда амалга оширилаётган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари, буюк муҳаддис бобомиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, яратилаётган янги музей ҳақида батафсил маълумот берилди. Келгуси йилда очилиши кутилаётган мажмуа ушбу ҳудуддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби билан бирга улкан маърифат, зиё маскани бўлиши қайд этилди.

Меҳмонлар Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуаси, Шоҳи Зинда зиёратгоҳи, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий-маданий

ёдгорликлар билан ҳам яқиндан танишди. Аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, бунёдкорлик тимсоли бўлган мазкур обидаларни асраб-авайлаш борасидаги ишлар эътироф этилди.

– Самарқанд заминида ётган Имом Бухорий ва бошқа улуғ алломалар ўз вақтида муқаддас динимиз учун ўз ҳаётларини бағишлаганлар, унинг асл моҳиятини тушунтириб, мусулмонларни тўғри йўлга бошлаганлар, – дейди Афғонистон Бош вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Абдул Салом Ҳанафий. – Ўзбекистон ҳукумати бу улуғ зотлар дафн этилган, улар номи билан боғлиқ масканларни обод қилиш, асраб-авайлашга жуда катта эътибор қаратаётгани таҳсинга лойиқ. Бу аввало ёш авлод қалбида улуғ аждодларидан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғуларини уйғотади, қолаверса, зиёрат туризми ривожланишига хизмат қилади.

Ғ.Ҳасанов, ЎЗА мухбири